



ҲАР БИР
СОҲАДА,
КАТТА-КИЧИК
ҲАММА ИШДА
ТЕЖАМКОР
БЎЛАЙЛИК!

ЮБИЛЕЙ ВАХТАСИДА

САБЗАВОТКОРЛАР ҒАЙРАТИ

Оржоникиде районидagi Қиров номи колхознинг парник ҳўжалигида киши билан иш тўхтагани йўқ. Бригада бошлиғи Ҳайитбой Муллажонов ишнинг кўзини биладиган деҳқонлардан. Бригада аъзолари 1400 ўрага турли хилдаги сабзавот уруғи

сепишиб, уни ўстиришди. Эндиликда экинлар меҳр билан парвариш қилинмоқда. Шуниси қувончлики, деҳқонлар ўралардаги ўсимлигининг тез ривожланиши учун тулқунни органик моддаларга тўйдиришди. Ҳар бир ўрага чиринди гўнлардан 900 килограммгача солинди.

Сабзавот ва бошқа экинлар ҳозир тез авж олиб ўса бошлади. Қўчатлар уни ривожланиши билан колхозчилар пикировка қилишди. 86 та рамакчи помидор, бақлажон қўчатлари пикировкадан кейин яна ҳам дуркув ўсмоқда.

Яқин кунларда парникларда етиштирилган қўчатлар далага чиқариб ўтказилади. Бунинг учун ер ариқлар олиниб, қўчат ўтказишга тахт қилиб қўйилди.

Аҳолини эртаги сабзавот маҳсулотлари билан таъминлашда Ғафур Қўзиева, Адиба Турсунова, Комил Нурматов, Аширбой

Нўрмонов каби ғайратли колхозчиларнинг хизмати катта бўлмоқда. А. МАЪМУРОВА.

БЎРДОҚЧИЛАР ЮТУҒИ

ТЎИТЕПА. («Тошкент ҳақиқати» муҳбиридан). Юбилей йилини муносиб меҳнат ғалабалари билан ишонимли учун қурашган ўрта Чирчиқ район чорвадорлари янгидан-янги ютуқларни қўлга киритмоқдалар.

Оқунбобоев номи колхозда гўштак топирилган қора-моллар 350—370 килограммгача семирмоқда. Ҳўжалик бўрдоқчилари қисқа вақт ичида гўшт топириш юзасидан берилган 3 ойлик плани бир ярим бараварга етказиб адо этдилар.

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

17-ИЛ ЧИҚИШИ

№ 46 (4293).

6

МАРТ

ЖУМА

1970 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев қишлоқ ҳўжалигини янада ривожлантириш ҳамда қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштириш ва сотишни кўпайтириш масалалари юзасидан шу йил 4 мартда КПСС Марказий Комитетидан иттифоддош республикалар қишлоқ ҳўжалик министрлари билан суҳбатлашди.

Қўлдам экишга тайёргарликни яхшилаш, дон, техника экинлари ва ем-хашак, картошка ва сабзавот ҳосилини ошириш, шунингдек чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтириш юзасидан конкрет тадбирларни амалга ошириш тўғрисида бир қанча таклифлар қилинди.

Суҳбатда КПСС Марказий Комитети Сийёсий Бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари ўртоқ Д. С. Полинский, КПСС Марказий Комитети секретари ўртоқ Ф. Д. Кулаков, СССР Қишлоқ ҳўжалик министрлари ўртоқ В. В. Мацкевич, СССР Мелиорация ва сув ҳўжалиги министрлари ўртоқ Е. А. Алексеевский, СССР Министрлар Совети Бутуниттифок «Союзсельхозтехника» бирлашмасининг раиси ўртоқ А. А. Ежеский, Ленин номидаги Бутуниттифок қишлоқ ҳўжалик Фанлар Академиясининг президенти ўртоқ П. П. Лобанов, Бутуниттифок колхозлар кенгаши раисининг ўринбосари ўртоқ М. И. Семенов иштирок этдилар.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН КОМСОМОЛИ- НИНГ XIX СЪЕЗДИ

5 март кунин Тошкентда Ўзбекистон комсомолининг XIX съезди ўз ишнин давом эттирди.

Республика комсомолни Марказий Комитети ва ревизия комиссиясининг ҳисобот докладыни муҳокама қилишда Андижон область комсомол комитетининг иккинчи секретари В. А. Пустовалов, Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсув ташлиқ министри Т. А. Саримсоқов, Сирдарё область комсомол комитетининг биринчи секретари А. А. Турев, Наманган область комсомол комитетининг биринчи секретари Т. Жўраев, Ўзбекистон Ленин комсомол мукофоти лауреати расом Р. Чориев, Сурхондарё область комсомол комитетининг биринчи секретари Т. Менглиев, В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университети комсомол комитетининг иккинчи секретари Ш. Жалилов, Андижон районидagi 30-мактабнинг ўқувчи синф ўқувчиси З. Дадабоева, Шеробод районидagi Ленин комсомол соҳасидаги механизация бригадасининг бошлиғи А. Қўрбонов қатнашдилар.

ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пастухов ўз нутқида комсомол ташкилотларининг актуал вазифалари тўғрисида гапирди.

Съездеда КПСС Марказий Комитети Сийёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Ғашидов нутқ сўзладди.

Съездеда қардош республикалардаги бир қанча комсомол ташкилотлари ва Москва комсомол ташкилотидан, Ўзбекистондаги ёшлар коллективларидан съезд нонига олинган табриклар ўқиб берилди.

Съезд республика комсомолни Марказий Комитетининг ишнин қониқариш деб топиш ва ҳисобот юзасидан резолюция қабул қилди. Ревизия комиссиясининг доклады тасдиқланди.

Съезд Ўзбекистон ВЛКСМ Марказий Комитети ва ревизия комиссиясининг янги составини сайлади.

Съезд делегатлари давомий қарарлар остида КПСС Марказий Комитетини табрикнома йўлладилар.

Республика комсомолининг XIX съезди ўз ишнин тамомлади.

Съезд делегатлари партия гимни «Интернационал»ни айтдилар. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ- НИНГ ПЛЕНУМИ

5 мартда республика комсомолининг XIX съездида сайланган Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум Р. Х. Абдуллаевани Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари, В. Б. Арсентьевни иккинчи секретари, Д. А. Абдуразақовни, Р. Р. Алимов, А. Комилжоновни секретарлар қилиб сайлади.

Р. Х. Абдуллаева, Д. А. Абдуразақов, Р. Р. Алимов, В. Б. Арсентьев, Э. А. Аминов, В. Б. Арсентьев, А. Ваҳобов, А. У. Исҳоқов, А. Комилжонов, М. Н. Коалинский, Р. И. Липченко, А. К. Тасанов Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети бюросининг аъзолари қилиб сайланди.

Пленум Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг бўлим муҳирлари, республика ёшлар газеталари ва журналларининг редакторларини тасдиқлади.

Ўзбекистон ЛКСМ Ревизия комиссиясининг мажлисида Р. Худойкулов шу комиссиянинг раиси қилиб сайланди. (ЎзТАГ).

ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚЛА- РИМИЗ ОБОД БЎЛСИН

Юртимизда баҳор. Порлаган қўёш еру-қўкка илқ танигини сочиб, саҳоватли қўлдам кириб келди. Ҳар йили ҳам сулим баҳорини илқилик билан, ўзгача дилхушлик, катта тарадуд билан кутиб оламиз.

1970 йил баҳори эса хур дийримиш бўйлаб дилларга олам-олам қувонч, битмас-туганмас завқу-шафқ бағишлаб келмоқда. Бундан роппа-роса юз йил муқаддам табиятининг худди мана шу саҳоватли фаслида жаҳон пролетариатининг буюқ доҳийси Владимир Ильич Ленин тугилган эди. Бу баҳор — улуғ Лениннинг бир асрлик муборак юбилейини ишонлайдиган гўзал бир фасл.

Элимизнинг ёшув-қарияси бу муътабар кунин улкан тарадуд билан, юракларда гурур ва ифтихор билан қарши олишмоқда. Улар ўз шахсий соғавларини доҳийга садодат, меҳр-муҳаббат ҳиссига тўлиб-тошиб ҳозирлашмоқда. Ҳамма бир мақсад йўлида-ҳаётимиз бундан ҳам фаровон, сермазмун, юртимиз бундан ҳам обод ва кўркам бўлсин, деган эзгу ният билан енг шимариб ҳормай-толмай меҳнат қилимиз.

Қўлдам — меҳнат билан кўркам, дейдилар. Астойдил меҳнат қилганимиздагина, ҳамма ерда ободонлаштириш, кўккаламзорлаштириш ишнин зўр ушшоқлиги билан олиб бораганимиздагина шаҳар ва қишлоқларимиз кўркам-кўрк қўлган бўламиз. Ҳаётимиз серфайз бўлади.

Областимиз меҳнатнашлари ана шу олижаноб бурчин тўла ҳис этганлари ҳолда бу ҳайрият ишга бақоидил киришиб кетдилар. Область иккинчи комитетиди шаҳар ва районларда 20 февралдан 20 апрелгача ободонлаштириш ва кўккаламзорлаштириш ишнин оғир ўтказиш юзасидан қарор қабул қилинди. Унда 1969 йили областимиз шаҳар ва қишлоқларини ободонлаштириш ишнин маҳаллий Советлар йўли билан икки миллион сўмга яқин, турли ташкилот ва муассасалар йўли билан беш миллион сўм миқдорда маблағ сарфланганлиги, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатадиган муассасалар бўвд этилгани алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Бу соҳада айниқса Оқдўғон, Оржоникиде районлариди тадбирчи ишлар қилинди. Оқдўғон район маркази, Солдатский, Алимкент посёлка Советлари территорияси йил сайин кўркاملаниб борапти. Бу жойларда шу кеча кундузда ҳам иш қизғин. Колхозлар, район аҳолиси ўз жонажон қишлоқларига шаҳар чиройини бериш учун қурашмоқдалар, ботроғлар, истроҳат жойлар, пионер лагерлари барпо

этимоқдалар. Ҳамма қўлайликка эга бўлган бу лагерларда ёзда болалар яшириб дам олса, қиш кунлари колхоз аъзолари ҳордиқ чиқаради. Район марказидagi кўчаларнинг ўзига 6 минг тул мевади ва декоратив дарахт кўчати ўтказилди.

Бирок областимизнинг Бўна, Охангарон, Ўрта Чирчиқ, Янгйўл районларида ободонлаштириш ишларига етарли эътибор берилмаёттир. Бу районларнинг кўпчилиги қишлоқ марказлари, аҳоли яшайдиган пунктларида ободонлаштириш, қишлоқларини кўркاملантириш, дарахтлар ўтказиш ишлари қониқарили эмас. Бу жойларда кўча ва йўл ёқаларини тозалаш ишига қорхона ва муассаси ходимлари ҳамда жамоатчилик жалб этилмаган. Шаҳар ва посёлкаларини тозалаш учун зарур бўлган транспорт эса тегишли ташкилотлар томонидан ўз вақтида ажратилмаган.

Баҳолашқ бу жойларда қўлдам киришлар яшайди, меҳнат қилинади. Бу аҳоли маҳаллий органлар раҳбарларининг бу муҳим ишга жиддий эътибор бермаётганилиги, жамоатчиликнинг тўла жалб этилмаганилигини кўрсатиб турибди.

Район ва шаҳар иккинчи комитетлари, қишлоқ Советлари, ҳаёқ вакиллари — депутатлар бу ишга жиддий киришишлари зарур. Ҳар бир район, қишлоқ Совети ҳузурида ободонлаштириш, кўккаламзорлаштириш, озодалик ўрнатиш бўйича штаблар ташкил қилиш, уларга ишнин яхши ушшоқлигини ҳодимларини биринчи ва кенг крет тадбирлар белгилаш керак. Шу билан бирга, кўчалар, бинолар атрофини тозалаш зарур бўлган транспорт иш етарли ажратиш зарур. Улар бир яримкичи сменида ишлагандигина кутилган натижага эришиш мумкин.

Кўл ёқалари, турар-жой, ҳовлиларини тоза сақлаш, обод ва кўккаламзор қилиш — ҳар бир оила, хонадон ва барча граждандарнинг қувончли ва жонажон иш бўлиши лозим.

Ҳа, озодалик — саломатлик гарови, кўккаламзор жойда ҳа-во ҳам соф, қўнғил ҳам бегу-бор бўлади.

Областимиз шаҳар ва қишлоқларини янада гўзал қилиш учун ҳақимия имкониятлар мавжуд. Фақат ишнинг кўзини билгана турар-жой бинолари қурилади. Атоқли шониримиз Ҳамид Олимжонга катта ҳайкал ўрнатилди.

Колхозчилар юбилей йилида янада янги марраларини эгаллаш учун белни маҳкам боғлаб, кўкдам экин кампаниясига тайёрлик кўрмоқдалар. Моҳир механизаторларимиз 12 та ҳайдов, 23 та қишлоқ трактори, 18 та сепка, 23 та культиватор ва бошқа техника воситаларини тўла ремонтдан чиқариб қўйдилар. Улар чигит, қаноп экишга шай бўлиб туришмоқда.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА БЕДА ЭКИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1970 ЙИЛ 5 МАРТГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

(ГЕКТАР ҲИСОБИДА)

Биринчи стун-районлар, иккинчи стун-беда экиш плани, учинчи стун-экинган майдон, тўртинчи стун-планининг бақарилиш процент, бешинчи стун—шу жумладан бошқа экинларга арашаштириб экинган беда.

Оқдўғон	2400	1281	53,4	1082
Калинин	850	131	15,4	131
Бекобод	1660	219	13,2	219
Бўна	1700	221	13,0	211

Ўрта Чирчиқ	1700	113	6,6	113
Оржоникиде	850	30	3,5	30
Янгйўл	2000	40	2,0	40
Юқори Чирчиқ	1450	13	0,9	10
Бўстонлиқ	390	—	—	—

Область бўйича	13000	2048	15,8	1836
----------------	-------	------	------	------


Область бўйича

КОЛЛЕКТОР-ДРЕНАЖ ШОХОВЧАЛАРИНИ ТОЗАЛАШНИНГ БОРИШИ ҲАҚИДА 5 МАРТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Процент ҳисобида)

Калинин	94
Бўна	93
Оржоникиде	79
Бўстонлиқ	72
Юқори Чирчиқ	71
Бекобод	66
Янгйўл	66
Ўрта Чирчиқ	64
Оқдўғон	60

Область бўйича 73



Коммунист Алексей Кошелев Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлигига қарашли ихтисослашган ремонт-ишлаб чиқариш қорхонасиди фидокорна меҳнат қилиб келмоқда. Коммунистик меҳнат зарбодори бўлган бу моҳир ремонтчи смени топиришини 110—120 процентдан бажармоқда. У қорхона фахри ҳисобланади. Суратда: ўртоқ А. Кошелев иш устида.

Л. Глауберзон фотоси.

КЎКЛАМГА ТАЙЁРМИЗ

Бултур йил оғир бўлишига қарамай, колхозчиларимизнинг фидокорна меҳнатлари тудайли катта ғалабага эришдик. Пахта тайёрлаш плани ошини билан бақарилад.

Ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 26 центнердан ҳосил олинди. 1969 йилги даромадимиз бир миллион 656 минг сўмга етди. Бу 1968 йилдагига қараганда 340 минг сўм кўдир. Шунинг учун колхозчиларнинг иш қушига 1968 йилда 4 сўмдан ҳақ берилган бўлса, бултур 5 сўм 38 тиниандан тақсимланди.

Колхозда маданий эҳтиёжларини қондириш тадбирлари амалга оширилмоқда. Қишлоқ марказида кўпгина турар-жой бинолари қурилади. Атоқли шониримиз Ҳамид Олимжонга катта ҳайкал ўрнатилди.

Колхозчилар юбилей йилида янада янги марраларини эгаллаш учун белни маҳкам боғлаб, кўкдам экин кампаниясига тайёрлик кўрмоқдалар. Моҳир механизаторларимиз 12 та ҳайдов, 23 та қишлоқ трактори, 18 та сепка, 23 та культиватор ва бошқа техника воситаларини тўла ремонтдан чиқариб қўйдилар. Улар чигит, қаноп экишга шай бўлиб туришмоқда.

Айни кунларда чигит экиш учун ғалаба экин тамом бўлди. Беда-подлар эса бунда 191 гектарга етади. Бу пахта майдонига нисбатан 18 процентини ташкил этади. Шу йўл билан колхозимизда алмашлаб экишни жорий этамиз.

Бедани айрим ерларга манжақу-рури билан қўшиб экишни ҳам планлаштириб қўйдик. Далага гўн чиқариш ҳам давом этайти. минерал ўғитлар, уруғлик чигитлар ташиб олинди. 130 тонна уруғлик чигитни емборга келтириб қўйдик.

Ҳозирги пайтда ерни эъозлаш, ҳар гектар ердан унумли фойдаланиш энг муҳим масалалардан бири бўлиб қолди, тўла гектар учун курашмоқ керак. Баъзан тўла гектарлар тўғрисида чигит экиб бўлигандан кейин фикр юртамиз. Менимча, бу ишни тўла гектар учун курашининг айна кўнлариди, чигит экинган олдин қилиш лозим.

Маълумки, далаларни айланган ишчи талайгина ерларни уватлар, беҳуда йўллар, керакисиз ариқлар эгаллаб етганини кўради. Биз эа колхозимизда шундай ерларни ўзлаштиришга киришдик. Уватлар, беҳуда ариқлар, йўллар ҳисобига

карталар йириклаштирилди, тартибга солинди. Шу йўл билан беш гектар ер экин майдонига айлантирилди.

Бедан унумли фойдаланишда, ҳосилдорлигини оширишда экин шемаларининг ҳам роли катта. Биз бир неча йилдан бери кенг қаторлаб (90 сантиметри қилиб) чигит экишни аста-секин ўзлаштиряпмиз. Дастлаб 60 гектар ерга шу усулда чигит эккан бўлсак, бу йил 320 гектар ерга кенг қаторлаб чигит экишни планлаштирдик. Чунки кенг қаторлаб чигит экилган ерлардан муттасил 30 центнер атрофида ҳосил олинапти. 60Х50 шемасида чигит экилган ерларда эса ҳосилдорлик 25 центнердан ошмаяпти.

Эҳтимол, баъзи ўртоқлар, кенг қаторлаб чигит экиш афзал экан, нима учун шу усулга бир йўл ўтилмайди, дейишлари мумкин. Бунинг учун, энг аввал, шу шемага мосланган сепка, культиватор, пахта терадиган машиналар бўлиши керак. Бунга бирдан эришиб бўлмайди. Иккинчидан, ҳозиргача иплатилиб келинаётган тракторлар, пахта териш машиналари ва бошқалардан ҳам фойдаланиш зарур. Бу техника воситаларини бир йўла улоқтириб ташлаш лозим. Шунинг учун бу усулга аста-секин ўтайтириш.

Март ойида ҳаво ҳамиша очик келади, деб бўлмайди, Шунинг учун колхозчиларимиз, бригада ва звено бешлиқларимиз ҳар бир ганимат пайтдан фойдаланиб, ерларни чигит экишга тайёрлаш учун ҳаракат қилмоқдалар. Пахта майдонларини текисламоқдалар.

Масалан, А. Нурматов бошлиқ бригадада 195 гектар пахта майдони бор. Улар ҳавонинг очик келган кунларидан самарали фойдаланиб, барча пахта майдонини тўла текислаб қўйдилар. Бошқа бригада ва звеноларда ҳам ер текисланмоқда.

Колхозчиларимиз юбилей йилини катта ғалабалар билан якунлаш учун астойдил ҳаракат қилиб, кўкдам экин кампаниясига ана шундай пухта тайёрлик кўрмоқдалар. Чигит экишни қисқа муддатда ушшоқлиги билан ўтказишга интилоқдалар.

Х. ЭРҒАШЕВ,

Оқдўғон районидagi Ҳамид Олимжон номи колхоз раиси.



ЎРТА ЧИРЧИҚ районидagi «Партия XXII съезди» колхозиди кўккламдиги ишлари тўла тугалланди. Чигит экидиган, гўзага айллов берадиган барча техника воситалари ишга шай қилиб қўйилди. Суратларда: (чапда) звено бошлиғи А. Сиддиқов ўзи бошқарадиган тракторни яна бир бор, синчиклаб текширапти. (Ўртада) колхоз раиси Убайдулла Абдуллаев механизаторлар билан экиш олди ишлари ҳақида суҳбатлашмоқда. (Ўнгда) масумига шай техника воситалари. А. Абали фотолари.



3,7 миллиондан зиёд аёллар қизлар байрами 8 мартни катта олишмоқда. Суратда: Польша-Круче Люблиндаги Мария Кучуковскада кузатиш яшнин ЦАФ—ТАСС фотоси.

